Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 22 август, сешанба. №101 (21.864.) Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР БЎЙИЧА АГЕНТЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хорижий сармояларни республика иқтисодиётига жалб этиш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш, Ўзбекистонда инвестиция таклифларини тайёрлаш ва рўёбга чиқаришда эҳтимол тутилган хорижий сармоядорларга ҳамда маҳаллий шерикларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Ноҳукумат ташкилоти мақомига эга бўлган хорижий сармоялар бўйича агентликни ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистондаги БМТ ваколатхонасининг, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Давлат мулк қўмитасининг таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

— хорижий сармоялар бўйича агентлик Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инвестицияларга кўмаклашиш хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги кўчмас мулк ва хорижий сармоялар бўйича миллий агентлик негизида ташкил этилади;

— агентликнинг иши унинг ишчи аппарати ва мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан таъминланади, кенгаш таркиби давлат бошқарув органларининг вакилларидан, иқтисодиёт соҳасидаги олимлар ва мутахассислардан, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг, хорижий фирмалар, компаниялар ва банкларнинг раҳбарларидан иборат бўлади;

— агентлик фаолиятини ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлаш бюджетдан ажратиладиган маблағлар, БМТ ривожланиш дастури ва бошқа халқаро ташкилотларнинг инвестиция фаолиятини институционал ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Хорижий сармоялар бўйича агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

— инвестиция фаолияти соҳасида хорижий ташкилотлар ва фондларнинг иштирокида халқаро ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— хорижий сармояларни жалб этишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизи соҳасида таклифларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

— иқтисодиётнинг турли секторларида инвестиция муҳитини ўрганиш, Ўзбекистондаги ва хорижий давлатлардаги инвестиция муҳитини қиёсий таҳлил этиш;

— Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолияти ва сиёсати масалалари бўйича ахборот-реклама нашрларини тайёрлаш, уларни халқаро тадбиркорлар орасида тарқатиш;

— инвестиция соҳасидаги таклифларни ишлаб чиқиш, уларни расмийлаштириш ва амалга ошириш тартиби юзасидан вазирликларга, идораларга, барча мулкчилик шаклларидаги корхоналарга, шунингдек маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига кўмак бериш;

— амалдаги техникавий кўмаклашиш дастурларидан ва халқаро ташкилотларнинг маълумот базаларидан фойдаланган ҳолда манфаатдор хорижий сармоядорларни излаш;

— амалий алоқаларни кенгайтириш, чет эл тажрибасини ёйиш ва хорижий сармояларни жалб этиш бўйича семинарлар, конференциялар ҳамда бошқа тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш;

— хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокида давра суҳбатларини уюштириш орқали амалий шериклик муассасаларини ташкил этишда кўмаклашиш;

— сармояларни жалб этишнинг турли шаклларини ўрганиш бўйича чет мамлакатларнинг сармояларга кўмаклашувчи хизматларида, компаниялари ва корхоналарида ўзбек мутахассисларининг малака оширишларини ташкил қилиш;

— юқорида айтиб ўтилган ишлар ва тадбирларни амалга оширишга хорижий экспертларни жалб этиш.

4. Хорижий сармоялар бўйича агентлик рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил муддатга солиқлар тўлашдан, шунингдек, қонунларда белгиланган мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилсин, бунда бўшаган маблағларни хорижий сармоялар бўйича агентликнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфлаш шарт қилиб қўйилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни ижро этишга оид қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси олдидан

ХАЛҚ МАНФААТИ, МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси кун тартибига мустақил диёримиз ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий тараққиётини таъминлашга даъват этилган муҳим масалалар киритилмоқда. Она-Ватанимиз заминида халқчил, демократик, фуқаролик, инсоний жамиятни, ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтириш учун астойдил бел боғлаган партиямизнинг мамлакат парламентидаги депутатлари фракциясининг уларни кўриб чиқиш ҳамда тегишли қарорлар қабул қилишдаги ўрни алоҳида аҳамиятга моликдир. Зеро, Олий Мажлисдаги энг йирик партиявий фракция айни Ўзбекистон Халқ демократик партиясиникидир.

Маърифий дунё сиёсий тараққиёти тарихининг далолат беришича, чинакам демократик жамиятни сиёсий партиялар, уларнинг жамиятни бошқариш тизимидаги самарали фаолиятисиз сира, ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Сиёсий партия — демократик жамият биносининг пештоқидаги бир безак эмас, балки, у, ана шу бинони барқарор ушлаб турувчи ўзига хос синчлари, чангаклари ва унинг асосий таянч нуқталарини ташкил этади. Ижтимоий ҳаётда сиёсий партияларнинг фаолияти тўлақонли бўлмас экан, ундаги демократик жараёнлар ҳам, сиёсий амалиёт ҳам тўлақонли, деб аталишга ҳақли эмаслар. Жамият тараққиёти, кўп жиҳатдан, бошқариш тизимига, унинг қандай эканлигига бориб тақалади. Ушбу ҳолат, мазкур бошқарув қайси сиёсий куч томонидан амалга оширилаётганлигини, табиий равишда, ўта муҳим масалага айлантириб қўяди. Бу эса, ўз навбатида, жамият ҳаётида етакчи ўринни эгаллаб турган сиёсий кучнинг ижтимоий негизини кимлар ташкил этаётганлигини назардан қочирмасликни тақозо этади.

Масаланинг бундай қўйилиши, ўз сафларида, халқимизнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб, қарийб 400 минг кишини бирлаштирган, Олий Мажлис таркибининг тўртдан бир қисмидан кўпроғи, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига сайланган депутатларнинг деярли ярми вакиллари бўлмиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси сўзининг, нуқтаи назарининг салмоғи, нуфузи ҳамда масъулияти ниҳоят даражада муҳим эканлигидан етарлича далолат бериб турибди.

Биз парламентимиз навбатдаги сессияси мажлиси кун тартибига киритилаётган масалаларни ҳал қилишдаги иштирокимизни, сўзсиз, айни мана шулардан ва халқимизга сайловолди мавсумида берган ваъдаларимиздан келиб чиққан ҳолда, ташкил этамиз.

Маълумки, учинчи сессия кун тартибига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Референдум орқали узайтирилган ўз ваколатларини Президентлик лавозимида бўлишининг иккинчи муддати, деб эътироф этиш тўғрисидаги баёноти ҳақида»ги қарорига мувофиқ, мазкур масала бўйича «Сайловчиларнинг фикрини ўрганиш юзасидан Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида тузилган Комиссия ахбороти»ни киритиш таклиф этилган.

Ушбу масалага бизнинг партиямиз, унинг Олий Мажлисдаги фракцияси, қатор жиддий сабабларга кўра, ўта масъулият билан қарайди.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисидаги референдумга тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказишни, шубҳасиз, 1995 йилнинг, давлатимиз ҳаётидаги, энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаси бўлди, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимиз парламенти референдумни ўтказиш хусусида ниҳоятда тўғри ва одил қарорни ўз вақтида қабул қилганлигини ҳаёт яққол кўрсатди.

Иккинчидан, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан зарур ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тўла риоя этилган ҳолда ўтказилди. Референдум жамиятимиз тараққиётининг шу кундаги долзарб эҳтиёжларига буткул жавоб бериб, давлат олий қонунчилик ва ижроия ҳокимиятлари ваколатларини амалга ошириш муддатлари ўртасида, маълум ҳаётий ҳолатлар боис, вужудга келган даврий номутаносибликни бартараф этди.

Учинчидан, Асосий Қонунимизда эътироф этилганидек, бизда, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир ягона манбаи — халқдир. Ўзбекистон халқи референдум тимсолида ўзининг хоҳиш-иродасини ифодалади, фуқаролик етуклиги ва демократик сиёсий онги ошганлигини намойиш қилди. То 1997 йилгача сайланган мамлакат Президенти ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтиришга у якдиллик билан розилик берди.

Шу тариқа ҳокимият иккита муҳим тармоғининг ўзаро баҳамжиҳатликда ишлаши расман таъминланди. Улар, эндиликда, амалда бир вақтда фаолият кўрсатадилар. Бу эса, ислоҳотлар йўлидан янада изчиллик, қатъийлик билан бориш, мамлакатда барқарорлик ва ижтимоий тотувликни бундан буён ҳам сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, айниқса, ўтиш даври шароитларида, зарурдир.

Биз, референдум натижаларини бирмунча кенгроқ маънода кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблаймиз. Умумхалқ овоз беришига қўйилган масала Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини шунчаки узайтирибгина қолмади. Аслида, у, моҳиятан, Президент сайловига тенг кучли муолажа бўлди. Зеро, фуқароларимиз референдумда кўзда тутилган масала юзасидан овоз берар эканлар, улар, айни пайтда, мамлакат Президенти ўтказаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаётганликларини ҳам изҳор қилдилар.

Партиямиз референдумда фаол иштирок этишни, аввалбошданоқ, ўзининг муҳим сиёсий вазифаси, деб билди. Ушбу масала Марказий Кенгашнинг пленумида махсус кўриб чиқилди. Бу масъулиятли тадбирни ўтказиш бўйича тайёргарлик ишларига барча ташкилотларимиз сафарбар этилдилар.

Шуни айтиш кифояки, ташкилотларимизнинг умумхалқ овоз беришига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вазифалари муҳокама қилинган йиғилишларида ярим миллиондан кўп киши иштирок этди. Референдум ижобий натижа билан тугаган экан, бунда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам ўзига яраша ҳиссаси борлигини мамнуният билан қайд этамиз.

Эндиликда, ислоҳотларни дадил амалга ошириш, Олий Мажлисга ўтказилган сайловларда халқимиз қўллаб-қувватлаган режаларни самарали рўёбга чиқариш учун дастлабки зарур омиллар вужудга келтирилди, деб айтиш мумкин.

Ватанимиз равнақи, халқимиз бахт-саодатини таъминлаш мақсадларига эришиш йўлидаги муаммоларни ҳал этиш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ўзимизни тўла сафарбар этилган, деб биламиз. Зотан, 26 март референдуми натижалари бизни шунга ундамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Референдум орқали узайтирилган ўз ваколатлари муддатини унинг Президентлик лавозимида бўлишининг иккинчи муддати, деб эътироф этиш тўғрисидаги баёноти ҳақида қуйидагиларни билдирамиз:

Биринчидан, референдумда 1991 йилнинг 29 декабрида 5 йил муддатга, яъни 1997 йилгача, сайланган Ўзбекистон Президентининг ваколатлари муддати 2000 йилгача узайтирилган. Буни иккинчи муддат, деб ҳисоблаган тақдирда, мазкур ваколатлар муддати узайтирилмаган, балки қисқартирилган, Президент эса ўзининг мазкур лавозимга иккинчи маротаба сайланиши учун унга Конституция берган ҳуқуқдан маҳрум этилган бўлади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ХДП-дан сайланган депутатларнинг парламент иккинчи сессияси мажлисидан кейинги учрашувларида сайловчиларимиз якдиллик билан Ўзбекистон Президентининг Референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини унинг Президентлик лавозимида бўлишининг биринчи муддати, деб эътироф этилишини талаб қилдилар. Референдумнинг қонуний натижалари, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, мамлакатимиз равнақи манфаатлари масалани айни мана шу тарзда қўйилишини, идрок этилишини тақозо этмоқда. Бизнинг партиямиз, унинг ташкилотлари, Олий Мажлисдаги фракциямизнинг, диёримизда сиёсий барқарорликни таъминлашга бевосита дахлдор, ушбу ҳолат билан ҳисоблашмасликлари, уни қўллаб-қувватламасликлари мутлақо мумкин эмас.

Яқинда республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон— иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китоби чоп этилди. Унда биз, мустақиллик йилларида, ўзимиз учун жамиятни қонунлар ёрдамида бошқаришни ўрганиб олишимиз кераклиги тўғрисида муҳим хулоса чиқариб олганлигимиз, ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш уларнинг биринчи босқичи вазифаларини адо этишни таъминлашнинг устивор йўналиши бўлганлиги, бу ишлар ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ҳам давом эттирилажаклиги алоҳида таъкидланган.

Олий Мажлис учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган қатор қонун лойиҳалари мажмуи ҳам бундан далолат бериб турибди.

Маълумки, демократик-ҳуқуқий давлатни такомиллашган суд тизими ҳокимиятисиз тасаввур қилиш қийин. Мазкур тизимда Конституцион суднинг ўрни ўзига хос тарзда муҳим аҳамиятга моликдир. Ушбу Қонун лойиҳасини асосан маъқуллаган ҳолда, биз, уни янада такомиллаштиришга оид ўз таклиф ва мулоҳазаларимизни Олий Мажлис Котибиятига юбордик. Мана улардан айримлари: «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун лойиҳасида: «Конституциявий суднинг судьяларини Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилдиради», деган модда битилган. Бироқ, бу муолажанинг қаерда, кимнинг ҳузурида амалга оширилиши аниқланмаган. Бизнингча, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан сайланишини ҳисобга

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллигига

БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

19 август куни Вазирлар Маҳкамасида мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 4 йиллигини катта қувонч билан кутиб олмоқда. Улкан бунёдкорлик ишларининг жадал сўръатда олиб борилиши эса ана шу қутлуғ байрам шарафига ўзига хос совғадир.

Мажлисда байрам тантаналарига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари С. Саидқосимов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).



Мамлакатимизда яна бир йирик саноат корхонаси — спирт заводи мустақиллик байрами арафасида фаолият кўрсата бошлади. У Қўқонда қад ростлади.

Эндиликда завод 1,83 миллион деколитр спирт ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу эса республикамизда спиртга бўлган талабнинг учдан бир қисмини қондириш имкониятини беради.

СУРАТДА: завод спирт қуйиш цехининг аппаратчиси (чапдан) М. Мирвалиев ва бўлим бошлиғи Б. Каримовлар қилинажак ишлар хусусида фикрлашмоқдалар.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ШОДИЁНА АРАФАСИДАГИ ДИЙДОРЛАШУВ

ФАРҒОНА

Она-Ватанимиз ўз миллий истиқлолининг тўрт йиллигини нишонлаш арафасида.

Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида республикамизда катта ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, мамлакатимизнинг МДҲдаги энг барқарор, қийинчиликларга қарамай ривожланаётган давлатга айланаётгани ҳаммамизни қувонтирмоқда. Ўзбекистон шу диёрда яшаб, меҳнат қилаётган барча миллат ва элатлар учун муқаддас Ватан бўлиб қолди.

«Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, шоир Азим Суюн бошчилигидаги Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг тарғиботчилар гуруҳи Фарғона вилояти меҳнаткашлари билан учрашган ўчрашув ва мулоқотларида ана шу фикрлар катта ўрин эгалладди.

Данғара балиқчилик хўжалиги, Учқўприк ип - йигирув фабрикаси ишчилари, шу туманда Мустақиллик байрами куни ишга туширилиши мўлжалланаётган 5 минг ўринли спорт мажмуи қурувчилари, Сўх туманидаги «Озод» ва «Равон» жамоа хўжаликлари аъзолари, тадбиркорлар вакиллари билан учрашувлар жонли, қизғин мулоқот тарзида ўтди. Мулоқотлар давомида меҳнаткашлар юртбошимиз олиб бораётган сиёсат, ўтказилаётган туб ислоҳотларни қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар.

Вилоят меҳнаткашлари билан бўлган учрашувлар чоғида гуруҳ аъзоси, истеъдодли шоир Абдували Қутбиддин ўзининг Ватан ва истиқлол ҳақидаги ўтли сатрлари билан йиғилганларни мамнун этди.

— Ўзбекистон бизлар учун она Ватан. Унинг куч-кудрати, жаҳондаги нуфузини ошириш учун меҳнатимизни аямаймиз. Истиқлол байрами, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатлар учун энг катта байрамдир, — деди учрашувлардан бирида Сўх тумани ҳокими Баҳодир Обиджонов.

Учрашувларда Ўзбекистон ХДП Фарғона вилояти кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов, Данғара, Учқўприк, Сўх туманлари ҳокимлари Қ.Раҳмонов, А.Йўлбарсов, Б.Обиджоновлар иштирок этишди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АНДИЖОН

Мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири, республика Олий Мажлиси депутати, шоир Азим Суюн, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Матлуба Алиева, «Ёзувчи» нашриётининг Бош муҳаррири, шоир Абдували Қутбиддин, «Мулоқот» журнали масъул котиби, ёзувчи Урол Утаевлардан иборат тарғибот гуруҳи Андижон вилоятига келди. Гуруҳ аъзолари Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» жамоа хўжалиги, Андижон шаҳридаги «Бирлик», «Озодлик», «Яхши» маҳаллалари, Булоқбоши туманидаги Жура Ғойипов номли фермер хўжаликлари уюшмаси, Андижон ип-газлама ҳиссадорлик жамияти, Андижон туманидаги Патиддинов номли жамоа хўжалиги фаоллари, меҳнаткашлар вакиллари билан учрашди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон — иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида ўқтарилган долзарб масалалар мулоқотлар мавзуи бўлди.

Учрашувларда ЎзХДП Андижон вилояти кенгашининг иккинчи котиби Й. Собиров иштирок этди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИРДАРЁ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши тарғибот гуруҳи Сирдарё вилоятига келди. Гуруҳ аъзолари орасида академик Машҳура Мавлоний, драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов, шоир Йўлдош Эшбек, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Аслиддин Рустамовлар бор.

Сирдарё туман партия кенгашида қизиқарли мулоқот бўлди. Унда туман партия фаоллари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг раҳбарлари, масъул ходимлари иштирок этди.

«Малик» ширкатлар уюшмасидаги суҳбат ғоят қизиқарли ўтди. Меҳнонлар мамлакатимизда республика ҳукумати раҳбарлигида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, диёримизда юз бераётган улуғвор ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилдилар.

Учрашув Ховос туман ҳокимлиги биносида давом этди. Унда вилоятдаги шаҳар ва туман кенгашларининг биринчи котиблари, туман партия фаоллари ва зиёлилари иштирок этдилар.

Учрашувларда ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Т. Исмоилов қатнашди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САМАРҚАНД

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг мамлакатимиз мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан ташкил этган тарғиботчилар гуруҳи иштирокида Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган жонли мулоқотлар, қизиқарли савол-жавоблар меҳнаткашларда катта таассурот қолдирди.

Энг муҳими, бундай тадбирлар юртдошларимизда мустақиллик туйғусини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Самарқанддаги электромеханика, консерва заводлари, Шойибофлар маҳалласи, Самарқанд туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги, Фарҳод шаҳарчасидаги бир қатор саноат корхоналарида бўлган учрашувлар тўпланганларнинг ёдида сақланиб қолади. Чунки, драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов, таниқли олима, академик Машҳура Мавлоний, иқтидорли шоир Йўлдош Эшбекларнинг дил сўзлари, ўтли сатрлари кишиларнинг онгига, шуурига чуқур етиб борди.

Меҳмонлар шаҳар ва қишлоқ маҳаллаларида ташкил этилган бир қатор тадбирларда қатнашдилар, вилоят партия кенгаши фаолияти билан танишдилар.

— Осойишта юртимиз фаровонлиги учун қўлимиздан келган барча юмушни бажаришга тайёрмиз, — деди суҳбатлардан бирида Шойибофлар маҳалласи оқсоқоли Али ака Ғуломов.

Мулоқотларда самарқандликлар Президентимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

Бўлиб ўтган учрашувларда ЎзХДП Самарқанд вилояти кенгашининг биринчи котиби Р. Обловров қатнашди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳаракатда-баракат

ҒАЛЛАКОР СУЗИМ

• ЖИЗЗАХ. Истиқлол байрамининг тўрт йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Мен 70 баҳорни қаршилаган оддий ғаллакорман. Зеро, мустақилликнинг қадрини яхши англайман.

Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қилаётган ҳаракатларим зое кетмаётганидан фахрланаман. Қуксимга «Шуҳрат» медалининг тақиб қўйилишиғ ҳам истиқлол саодатидан деб биламан. Ҳозир меҳнат фахрийсиман. Узоқ йиллар хўжаликларга раҳбарлик қилдим. Ҳозирча сафдан чиққаним йўқ. «Ўзбекистон» ғалла илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳисобчи бўлиб турибман. Шогирдларим бисёр. Юртбошимизнинг бир оғиз сўзи билан мамлакатимизда ғалла мустақиллиги учун бошланган хайрли кураш самараларидан беҳад мамнунман. Жамоамиз дон мустақиллигига ҳисса қўшиш йўлида кўплаб бошоқли экинларнинг янги ва сермаҳсул навларини жунатмоқда. Яқинда бирлашмамиз мутахассислари Хитойда тажриба алмашиб қайтдилар.

Нурмуҳаммад МУСУЛМОНОВ.

Байрамона беллашув

ҚАРДОШЛАРНИ ЎРТАГА ТОРТИБ

• НАМАНГАН (мухбиримиздан). Айём арафаси яъни 23-26 август кунлари Наманган шаҳрида полвонларнинг фарғонача беллашуви бўйича халқаро мусобақа ўтказиладиган бўлди. Вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев хайрли иш ҳақида ана шундай қарорга келди.

Беллашувда Тошкент шаҳри, Андижон, Сирдарё ва Фарғона вилоятларидан полвонлар курашга чорланади. Шунингдек, Қирғизистоннинг Уш ва Жалолобод, Қозоғистоннинг Чимкент ва Тожикистоннинг Хўжанд шаҳарларидан ҳам курашчиларнинг келиши кутиляпти. «Ўзига хос халқаро мусобақа қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлади, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Ш.Қорабоев. — Ғолибларга Ўзбекистон спорт устаси фахрий унвони берилади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

Ишлаб чиқариш

ХАРИДОРГИР ЖИҲОЗЛАР

• СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Шўрчидаги юмшоқ мебель фабрикаси ўтган ярим йилда икки миллион 762 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Бу белгиланган режадагидан икки баравар кўп эди. Маҳсулотнинг харидоргирлиги ҳам кўнгилларга таскинлик беради. Фабрика жамоаси «режани 200 фоизга етказамиз» дейиш ўрнига бошқачароқ мулоҳаза юритди. Яъни технология янада такомиллаштирилди.

Фабрика қошида очилган кийимкечак тикиш цехи ва қаттиқ мебель учун мўлжалланган пресслаш қурилмаси имкониятларни кенгайтирди. Ҳозир бу тадбирларни хомчўт қилиб, ишлаб чиқариш қувватларини икки баравар ошириб, истиқлол байрамига муносиб туёна ҳозирлашга ҳаракат бошланган.

Олимжон УСАНОВ.

ХАЛҚ МАНФААТИ, МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

олиб, **Конституциявий суднинг судьяларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис сессиясида қасамёд қилдиради,** деб ёзиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ёки бўлмаса, унда: «Конституциявий суд судьясини мажбурий келтириш, ушлаб туриш, худди шунингдек, шахсий ашёлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат биносини кўздан кечириш мумкин эмас», дейилган. Бу ерда уни қаерга келтириш, қаерда ушлаб туриш, қайси ҳолатда унинг ашёлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат биносини кўздан кечириш мумкин эмаслиги айтилмаган. Бизнингча, бу ерга **«Конституциявий суд судьясини қонун ваколатли этган тегишли идоранинг розилигисиз ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан мажбурий келтириш, ушлаб туриш, шунингдек, унинг шахсий ашёлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечириш мумкин эмас»,** деб ёзиб қўйиш тўғри бўлур эди.

Ўзининг миллий хавфсизлигини, зарур даражадаги мудофаа қобилиятини таъминлай билиш ҳар бир халқ, мустақил давлат ҳаётий фаолиятининг узвий шартидир. Давлатнинг бу соҳага оид сиёсати ҳам муайян назарий-ҳуқуқий пойдеворга таянмоғи лозим. Сессия кун тартибига киритилиши кўзда тутилаётган қонун лойиҳалари орасида, Олий Мажлис иккинчи сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган, кейинчалик умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, тегишли қонунлари, халқаро мажбуриятларига асосланган «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси» лойиҳаси ўрин олган. Унда, дарҳақиқат, мустақил давлатимизнинг ташқи сиёсат, давлатлараро муносабатлар, уруш ва тинчлик муаммоларига, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу ниятлар, инсоний мақсадларнинг рўёбга чиқишини таъминлашга қаратилган саъйи-ҳаракатлари табиатига мос, мутлақо янгича ёндашувлари ифода этилган.

Мазкур ҳужжат лойиҳасини маъқуллаб, унга оид билдирилган таклиф-мулоҳазаларимиздан биттасига диққат-эътиборни жалб қилмоқчи эдим. Лойиҳанинг «Республика иқтисодиётини, ҳудудини ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш» номли бўлимини **«Республика ҳудуди, иқтисодиёти ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш»,** деб атаб, унинг мазмунини айни шу изчилликда берилса, у Конституциямизнинг **«Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас»** лиги ҳақидаги 3-моддасига янада мос равишда ифодаланган бўларди, деган фикрдамиз.

Ўзбекистон Конституциясининг 43-моддасида: «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», деб ёзиб қўйилган. Ушбу конституциявий қоида тегишли қонунлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишончли тарзда ишлашларига имкон берувчи мурватларни яратишни тақозо этади. Шу боис, парламент сессияси эътиборига «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳавола этилмоқчи. Том маънодаги фуқаролик, ҳуқуқий давлат учун ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ҳоказоларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари, қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши ўта муҳим меъёрий ҳолатдир. Ўйлаймизки, бундай қонуннинг қабул қилиниши диёримизда инсоний адолатга асосланган жамиятни барпо этиш соҳасида қўйилган яна бир жиддий қадам бўлади. Мазкур қонун лойиҳасини асосан маъқуллаган ҳолда, жумладан, унинг номини қуйидаги таҳрирда берилишини таклиф этардик: **«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини поймол этадиган хатти-ҳаракатлар ҳамда қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида».** Бу ўринда, хусусан, «бузадиган» сўзини «поймол этадиган» сўзлари билан алмаштирилиши, бизнингча, қонуннинг номидаги мазмуний юкни бирмунча салмоқли қиларди. Чунки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини «бузишга» қараганда уларни «поймол этилиши» анчайин жиддий, кенг, чуқур, ижтимоий жиҳатдан эса хавфли, қонунларни очиқдан-очиқ оёқ-ости қилишни англатувчи, ҳолдир.

Ўзбекистоннинг истиқболли келажаги, уни жаҳон мамлакатлари маърифатли ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин олиши чет эл сармояларини юртимизга эркин-эмин, ҳеч қандай сунъий тўсиқларсиз кириб келиши, уларни самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарурий, жумладан, ҳуқуқий шарт-шароитларни муҳайё этилиши билан бевосита боғлангандир. Республикамиз раҳбарияти томонидан бу борада қатор жиддий тадбирлар кўрилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Олий Мажлис сессияси кун тартибидан ўрин олиши мўлжалланаётган «Концессиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини биз, айрим таҳририй ўзгартиришлар билан, маъқуллаш ниятидамиз.

Ўз фуқароларининг сиҳат-саломатлигини жамиятнинг энг катта ва асосий бойлиги эканлигини теран англаб, унга путур етказадиган ҳар қандай ички ҳамда ташқи зарарли омилларга қарши кураш чораларини кўриш, буни жиддий тарзда таъминлашнинг барча ташкилий тизимларини вужудга келтириш мустақил давлатимиз фаолиятининг ўта муҳим йўналиши сифатида тобора яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг соғлом турмуш тарзи уларни ўраб турган набатот ҳамда ҳайвонот оламининг ҳолати билан чамбарчас боғлангандир. Ҳатто, ундан ҳам кўпроқ, жамиятимизда ислоҳотлар боис инсонийлашаётган ижтимоий муносабатлар она-табиатимиз соғломлашувининг ҳал қилувчи омили бўлишга даъват этилган.

Шу муносабат билан мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи идораси мажлиси кун тартибига «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг киритилаётгани, унда мамлакатимиздаги ўсимликларнинг ташқи ва ички муҳофазаси бўйича давлат тадбирлари тизимини амалга оширилишининг кўзда тутилганлиги таҳсинга лойиқдир.

Сессия кун тартибига ратификация учун тавсия этилаётган «Қаттиқ қурғоқчиликни бошдан кечираётган ва (ёки чўлга айланиб бораётган) мамлакатларда, айниқса Африкада, сахрога айланиб боришларга қарши кураш бўйича БМТ конвенцияси» ҳам диёримиз табиати муаммоларига бевосита тааллуқлидир.

Ҳар бир мустақил давлат ўз фуқароларининг меҳнат ва жанговар хизматларини тақдирлаш тизимини яратади. Бу маънода, Ўзбекистон ҳам истисно эмас. Мамлакатимизнинг ҳозиргача яратилган олий унвонлари, орден ҳамда медаллари қаторига янгиларини қўшиш бўйича тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Парламент сессиясининг навбатдаги мажлиси кун тартибига иккинчи ўқишда киритилаётган Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат шуҳрати» ва «Шоншараф» орденлари тўғрисидаги масалага оид ҳужжатлар парламент аъзолари томонидан маъқулланса, ўйлаймизки, она-диёримизнинг меҳнаткаш, фидойи фарзандлари Ватанимизнинг юксак мукофотларига лойиқ ишлари билан уларга сазовор бўладилар. Ушбу мукофотлар эса, ўз навбатида, ҳамюртларимизни Ўзбекистонимиз қудратини ҳар томонлама оширишга ўз ғайрат-шижоатларини ҳеч ҳам аямай сарфлашларининг таъсирчан омили бўлиб хизмат қиладилар.

Бу ўринда қуйидаги фикрни билдирмоқчимиз: бизнинг нуқтаи назаримизда, «Меҳнат шуҳрати» ордени тўғрисидаги Низомнинг 3-моддасидаги «жамоат бирлашмалари» сўзидан олдин **«сиёсий партиялар»** сўзини қўшиб қўйилса, ёмон бўлмасди. Албатта, ҳар қандай партия ҳам жамоат бирлашмасидир. Бироқ, ҳар қандай жамоат бирлашмаси сиёсий ташкилот ҳисобланмайди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, Олий Мажлис сессияси кун тартибига, биринчи ўқишда, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар амалиётининг янги босқичи вазифаларини уддалашга дахлдор қатор қонунлар лойиҳаси ва бошқа ҳужжатлар киритилмоқда. Биз, асосан, «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий қисми лойиҳаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси лойиҳаси тўғрисида», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини назарда тутмоқдамиз. Ушбу ҳужжатларнинг истиқболимиз учун тақдириломон аҳамияти биздан уларнинг мукаммал бўлишликлари учун қўлимиздан келган барча хатти-ҳаракатларимизни тўлатўкис ишга солишни талаб қилади.

Миллий давлат мустақиллигимизнинг 4 йиллигини нишонлаш арафасида йиғилаётган Олий Мажлис ва Ўзбекистон ХДПнинг ундаги фракцияси ўз зиммаларидаги вазифаларни, бу сафар ҳам, юксак масъулият билан адо этишларига ишонамиз.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги фракцияси раиси.

Юрти бойнинг — ўзи бой

НОЗ-НЕЪМАТЛАР КАРВОНИ

Серқуёш мамлакатимизда ғарқ пишиқчилик. Деҳқонлар пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб эл дастурхонига етказиб бериш иштиёқида меҳнат қилишяпти. Бозор расталари нозне-ъматга тўлиб кетди.

Бундай тўкинчиликни мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиз туманларида ташкил этилаётган мева-сабзавот ярмаркаларида ҳам кўриш мумкин. Очиғи, ҳар йили истиқлол тўйи олдидан бундай савдо хизмати анъана тусига кириб бормоқда.

Республикамиз турли туманларидан келтирилаётган сарҳил мева-чева, сабзавот маҳсулотлари шаҳарликлар дастурхонини безамоқда. Пойтахт туманларида эса деҳқонларга алоҳида савдо расталари ва пештахталар шайлаб қўйилгани қўл келяпти. Сотувчи ва харидорнинг қўли-қўлига тегмайди.

Бухороликлар, ҳар йилдагидек, Тўқимачилар саройи атрофидан жой танлашди.

— Республикамизнинг қутлуғ тўйи шарафига ташкил этилаётган кўргазма-сайилга серқуёш боғларимизда етилган кишмиш узумдан 6000 килограмм олиб келдик. Ҳар бир харидор 2 килограммдан олса, бизнинг узумимиз 3 минг кишининг дастурхонини безайди, — дейди «Галаосиё» агрофирмаси директори Раҳмат Иноятов.

Карвонларнинг кети узилмайди. Олдиндаги машиналар пештоқига уларнинг қаердан келаётгани ёзилган. Ана Жиззах, мана Бухоро, Самарқанду Қашқадарё, Андижону Фарғона вилоятларининг ноз-неъмат карвонлари. Уларнинг бари мустақил Ўзбекистонимиз дастурхонига қут-барака киритиш иштиёқида манзил сари ошиқяпти. Ҳорманг энди, бобо деҳқонлар!

Ю. ЗИЁДОВ.

Мустақиллик одимлари

«ПАХТАБАНК» — ҚИШЛОҚДАГИ ИСЛОҲОТЛАР МУҲИМ ОМИЛИ

Юртбошимиз Ислом Каримов Президент ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича кенгаш мажлисида қишлоқ жойларида кичик ва хусусий корхоналар бизнесини ривожлантиришнинг ойдин йўлларини белгилаб берди. Сир эмас, қишлоқ жойларида ҳали тадбиркорлар олдида тўсиқлар кўп. Уларнинг кўпларига амалий ёрдам керак. Маълумки, биз ҳозир иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичини бошдан кечиряпмиз. Бу босқичда қишлоқ ҳўжалигини тараққий эттириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам юртбошимиз қишлоқ жойларда рақобат қилаоладиган корхоналарни ташкил этиш учун тадбиркорларга молиявий, юридик, техник ва бошқа масалаларни ҳал этишида ёрдам бериш масалаларини уқтирди.



Бунинг сабаби бор. Қишлоқ манзарасини бир кўз олдингизга келтиринг-а: пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларда қишлоқ кишилари ишлаб чиқариш билан банд. Аммо қанчадан-қанча одамлар, айниқса, ёшлар боқимандалик кайфиятида юрибди. Уларда ҳам тадбиркорликка, ишбилармонликка интилиш бору, аммо бозор муносабатлари сир-асрорларини яхши тушунмайдилар. Уларга эса катта йўлни очиб бериш шу куннинг муҳим вазифаси. Тадбиркорликка иштиёқи бор ҳар бир одамни унинг имкониятига яраша, ҳалол даромад топиш, бойиш йўлига тортмас эканмиз, қишлоқда умуман хусусий тадбиркорликни ривожлантириб бўлмайди. Дарвоқе, Президентимиз Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаганидек, бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири — давлатнинг бозор муносабатларига ўтиши даврида бош ислоҳотчи бўлиши. Аммо биз шуни тушунамизки, давлат илгаридек биз учун ҳамма нарсани яратиб бермайди. Иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни, тадбиркорлик фаолиятини давлат бошқармайди. Балки, давлат уларнинг самарали ишлаши учун шароит яратиб беради. Юртбошимиз айтганидек, уларни қонунлар, солиқлар орқали аниқ мақсадга йўналтириб туради, керак бўлганида манфаатларини ҳимоя қилади.

Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси «Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта - банк»ни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Шу ой бошида Ўзбекистон деҳқончилик саноат банки негизида Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк» ташкил этилиши муносабати билан банк таъсис йиғилиши бўлиб ўтди ва Ж. Сайфиддинов бошқарув раиси этиб сайланди.

Ихтисослаштирилган бу янги банк мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришда, айниқса, пахтачилик соҳасида банк хизмати кўлами ва даражасини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ҳўжаликларга банк хизматини тўбдан яхшилашни янгилаш йўлида бутун мамлакатимиз бўйлаб жойларда мини-банклар (кичик банклар) ташкил этиш бўйича ишлар кучайтириб юборилди. Биз банк ишларини замонавий усулларда олиб бориш учун етарлича имкониятга эгамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Бухоро вилоятларида Низом жамғармасини кўпайтириш борасида сезиларли ўсишга эришилмоқда.

Ҳозир республика агросаноат мажмуида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Деҳқонларимиз шуни яхши билишадики, пахта ва дондан ташқари барча қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари турларига давлат буюртмалари бекор қилинган. Пахта толаси қийматининг ошиши, барча қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг амалда эркин баҳода сотилиши иқтисодиётни анча соғломлаштиришга олиб келди.

Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон — иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш аҳамиятига алоҳида эътиборни қаратди. Айтиш мумкинки, банк ишларини ташкил этишнинг янги асослари қўйилмоқда. Банк ҳақиқатан ҳам пахтакор ҳўжаликларни ва у билан боғлиқ пахтани қайта ишлаш тармоқларини молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ривожлантиришга кўмак берувчи муҳим омил ҳисобланади. Булар ҳаммаси ўзаро манфаатдорлик, фойда кўриш бўйича ҳўжаликлар ва банк ўртасидаги янгича муносабатларни — ҳамкорликни мустаҳкамлашга асос яратади. Банкнинг кредит бериш сиёсати биринчи галда қишлоқда янгича иқтисодий тузилмаларни ривожлантиришга қаратилади. Республика учун ҳаётий муҳим бўлган қудратли ишлаб чиқариш потенциалини яратишга ва тубдан янгича ўзгартиришлар қилишга кўмаклашади.

Биринчи галда банк муассасалари эътибори хусусий манбалар ҳисобига қарз капиталини шакллантиришга қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, пул маблағи депозитларга жалб этилади. Аҳолининг турли муддатга қўйган маблағлари ҳам бунда муҳим роль ўйнайди.

Бироқ, бозор муносабатларига ўтиш чоғида қийинчилик ва муаммолар ҳам учраб турибди. Кредит ёрдами бераётганига қарамасдан кўпгина қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Уларнинг тўлов қобилияти паст. Бунинг сабаблари равшан: тайёр қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари жуда катта ҳажмда туриб қолмоқда. Пахта толаси ҳам шундай. Бу эса қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига банк томонидан ўтказилаётган кредит сиёсатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Яъни ажратилаётган кредитларнинг самарадорлиги пасаймоқда. Улар ўз вақтида қайтариб берилмаяпти. Ҳозир банк кредитларини кафолатли қайтаришдан кенг фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Шу нарсани унутмаслик керакки, пул муомаласи соҳасида мувозанатни сақлаб туриш ҳар қандай давлатнинг муҳим иқтисодий масаласи ҳисобланади. Бунда банклар зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Шунинг учун ҳам банк тармоқлари пул муомаласини барқарорлаштиришда қатъият билан фаол иш олиб боришлари зарур.

Ҳукуматимиз ва республика Марказий банки томонидан олиб борилаётган пахта пул-кредит сиёсати молиявий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга, миллий валютани мустаҳкамлашга, пул қадрсизланишининг олдини олишга қаратилган. Бунда банк тармоқлари зиммасига алоҳида масъулият тушганлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатиш, бунинг учун эса малакали кадрлар зарурлиги ўз-ўзидан аён. Ҳамма жойда ҳам ҳозирча ишлар кўнгилдагидек дея олмаймиз. Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида бу ишнинг аҳамиятини кеч тушуниб етмоқдалар.

Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни тезлаштириш ва такомиллаштириш корхона ва ташкилотлар молиявий аҳволини барқарорлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Банк ҳисоб-китобларини юқори даражада автоматлаштириш шу ишлар сирасига киради. Ҳозиргача ҳам бу иш изчил давом этиб келяпти. Замонавий компьютер техникаси, программали иш юритиш ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги компьютерларимиз фаннинг энг сўнгги ютуқлари ҳисобланади. Барча бўлимларда модемлар ўрнатилдики, уларни электрон тўловлар тизимига улаш имкониятини берди. Масалан, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги ҳисоблаш марказларида эскирган қайта ишлаш технологияси ўрнига фаннинг бугунги ютуқлари асосидаги ахборотларни қайта ишлайдиган банк программалари ўрнатилди. Бу эса мижозларга ҳисоб-китоб ишларини тезлаштириб беришда асқотяпти. Улар куннинг охиригача кутиб ўтирмайдиган бўлишди.

Банкларнинг ишлари бозор иқтисодиётига ўтиш даврида янгича асосларга кўчаётгани кўпчиликка яхши маълум. Иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда банк тизимини қайта қуриш ҳам муҳим механизмлардан бири. Турлича банклар: акционерлик-тижорат, кооператив, хусусий, универсал, тармоқ, ихтисослашган банклар ташкил этилди. Ўз фаолиятини жамоа ҳўжаликлари, давлат ҳўжаликлари, агросаноат мажмуининг корхона ва ташкилотларига комплекс хизмат кўрсатиш ёпиқ акционерлик жамияти сифатида бошлаган «Ўздеҳқончиликсаноатбанки» очиқ акционерлик жамиятига айлангач, унинг зиммасига бир қатор янги вазифалар юкланди. Иш миқёси кенгайиб, янгича иш услуб, шакллари қидирилди. Пахтачилик номи билан боғлиқ тармоқларга хизмат кўрсатадиган «Пахтабанк» шу тарихга майдонга келди. Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида 1995 йилнинг биринчи ярми якунлари ҳақида тўхталиб: **«Ҳисоб-китобларга, кўра республикамиз халқ ҳўжалигининг 70 фоизидан кўпроғи технологик жиҳатдан пахтачилик билан боғлиқ. Бир хил корхоналар пахтачилик учун техника, ўғит ва бошқа маҳсулотлар берса, бошқалари унинг маҳсулотларини қайта ишлаш билан машғул»,** дедилар. Демак, бу борада банкимиз ана шу 70 фоиздан зиёдроқ катта ҳажмдаги тармоқлар ишини ривожлантиришда молиявий воситаларнинг ўзига хос аккумулятори ролини ўйнаши керак. Токи, деҳқон пешона тери эвазига не-не машаққатлар билан етиштирган маҳсулоти то заводда тайёр маҳсулот тарзида сотилиб, пули айланиб келгунча ойлаб кутиб ўтирмасин. Биз ҳам жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, энди деҳқонга бўлажак ҳосили учун олдиндан, яъни баҳордаёқ аванс берайлик. Бу, Президентимиз айтганидек, деҳқонга бемалол ҳосилини оби-тобида етиштириш имконини туғдиради, ишончни мустаҳкамлайди. «Пахта-банк»нинг мақсади ҳам шу!

Янги банк мустақил ихтисослашган акционерлик-тижорат банки сифатида иш бошлади. Олдимизда катта вазифалар турибди. Биз мамлакатимиз учун ҳаётий муҳим бўлган барча ижобий ўзгаришларнинг марказида иш олиб борамиз. Ўйлаймизки, банкимиз қишлоқда янгича иқтисодий ислоҳотларни самарали ривожлантиришга, қишлоқда қудратли ишлаб чиқариш потенциалини тезроқ яратишга катта ҳисса қўшади.

Абдуғофур ОҚИЛОВ,
«Пахта-банк» бошқаруви раиси ўринбосари.

Спорт

ТИМСОЛИДА ХУМО ҚУШИ БОР

Кичик олимпиада деб эътироф этилаётган Туронзаминдаги йирик спорт мусобақасига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Шу кунларда мусобақалар ўтказиладиган масканлар, спорт анжумани тантанали очиладиган «Пахтакор» ўйингоҳи безатилмоқда. Умуман, Тошкент кўчаларида турли алвон ва байроқлар кўзга ташланиб қолди. Кўпчиликка маъқул келиб қолган мусобақа рамзи эса олислардан эътиборни тортади. Марказий Осиё ўйинларининг тимсолини юзага келтириш ҳам ўзига хос танловга айланди. Талабчан мутахассислар эса ёш истеъдодли рассом Комил Жонтоевнинг ижодини маъқул топишди.

Мусобақа тимсоли ўзига хос маънога эга. Барча мусобақаларда бўлгани каби Тошкентда ўтказилаётган спорт анжуманининг рамзини тайёрлашда ҳам унинг думалоқ бўлишига аҳамият берилди. Куриниб турибдики, икки халқа орасида «Марказий Осиё ўйинлари» деган сўзлар узбекча ва инглизча ифода этилган. Ҳар иккала ёзувни «1» рақами билан ажратилишининг боиси кичик олимпиаданинг илк марта ташкил этилаётганидан нишонадир. Халқанинг ўртасида эса мовий яшил байроғимиз акс этган. Тағ қисмида эса худди олимпиадада бўлгани каби туташ беш халқа тасвири туширилган. Лекин бу тимсолда халқалар Марказий Осиёнинг бешта мустақил республикаси иштирок этаётганини билдиради. Халқаро олимпиада ўйинлари оқ байроғидаги бешта ҳалқа эса ер юзининг бешта қитъаси маъносига эгадир. Тимсолдаги ҳалқа остида эса «Тошкент-95» сўзлари битилган. Энг муҳими одамларга бахт, тинчлик, хотиржамлик, рўшнолик, барқарорлик инъом этиш рамзи ҳисобланган хумо қушининг парвози диққатни тортади.

Аслида Марказий Осиё ўйинларини ўтказишдан ҳам мақсад бир осмон остида бир оила бўлиб узоқ йиллардан бери яшаб келган Туронзамин халқлари ўртасидаги азалий ҳамкорлик, бирлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдир. Буюк Турон масканида ўтказилаётган ўзига хос йирик мусобақага халқаро спорт жамоатчилиги, миллий олимпиада қўмиталарининг катта эътибор бераётганини ҳам шундан. Албатта, спортнинг 12 тури бўйича ташкил этиладиган мусобақаларда беш қардош оға-инилар тенг курашда мардонавор баҳслашиши, мардлик кўрсатиб, турк халқларига хос тантилик намойиш этишлари табиий. Зотан, мусобақа иштирокчилари унутилмас воқеаларнинг шоҳиди бўладилар, янги дўстлар орттириб, маҳорат оширадилар.

Мусобақада мингдан зиёд спортчи иштирок этади. 500 нафар малакали мутахассис хизматда бўлади. Марказий Осиё ўйинларига Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитасининг президенти, республика спорт қўмитаси раиси Собир Рўзиев бош ҳакам қилиб тайинланган. Мусобақаларни ёритиш учун 150 га яқин журналистни жалб этиш мўлжалланмоқда. Фахрий вакиллар шаҳримизнинг «Ўзбекистон» ва «Тошкент» каби йирик меҳмонхоналарига жойлаштирилади. Қозоғистон ва Туркманистон вакиллари «Чорсу» меҳмонхонасида дам олишса, Қирғизистон ва Тожикистон спортчилари «Турон» меҳмонхонасига йўл оладилар. Мезбонлар учун «Россия» меҳмонхонаси ажратилган. Мусобақалар эса аввал маълум қилганимиздек Тошкентнинг йирик спорт иншоотларида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги меҳмонлар кўнглини овлаш, маданий хизмат кўрсатиш мақсадида ранг-баранг ва қизиқарли дастурдан иборат катта концертни ташкил этмоқчи. Бундан ташқари меҳмонларни шаҳар бўйлаб сайр қилдириш, ишлаб чиқариш корхоналарига олиб бориш, қизиқарли учрашувлар уюштиришга ҳам эътибор қилинади. Ҳуллас Марказий Осиё ўйинларининг халқаро олимпиада ҳаракатида янги саҳифа очишига умид боғланмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ЮРТГА ЙЎЛДОШ, ЭЛГА СИРДОШ

ЁХУД ТЎҚСОН ИККИ ЁШЛИ ШОИР КЎҲИЙ ҲАҚИДА СЎЗ

Кўҳий, деб тахаллус танлаб, муҳаббат ила эзгуликни куйлаб келаётган бобо шоир тўқсондан икки ҳатлаб ўтган бўлса-да, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бирор тузук нарса ёзилмади. Узоқ йиллар Пўлат ота шеърий китобини чиқариш армони билан яшаб келди. Ҳаёт шундай экан-да. Баъзан мириқиб сув ичамизу, у баҳра олаётган тириклик томирларини эсга олмаймиз. Пўлат ота ҳаёти, унинг шеърлари тоғлар бағридан қайнаб чиқаётган булоқ-ка ўхшайди: ундан юрт, эл, қишлоқдошлари, ҳатто қўшни Тожикистондаги мухлислари ҳам олтмиш беш йилдан буён бахраманд. Бобога ихлос билан Душанбе шаҳридан мактуб йўллаган Шоҳиста Равшановнинг қалбини мана бу мисралар тўлқинлантиргани бежиз эмас:

Варганза боғларидан
кетмайди баҳор,
Унда булбул нағмасидан
ўзгача қўшиқ.
Чунки бунда бир асрга
пешвоз Кўҳий бор,
Шеърларига табиат ҳам
ҳаттоки ошиқ...

Бу Кўҳий шогирдларидан бирининг самимий каломи. Ижодкорнинг энг буюк асари — унинг қалби. Марказий, вилоят, туман газеталарида шеърлари бот-бот чоп этилгани сари Пўлат ота юртга, элга муҳаббати ва ҳайратомуз завқ-шавққа тўла қалби билан мухлисларини ром этиб келяпти. Тўй-маъракаларда бобо давранинг тўрида. Қадами етмаган уйларга эса шоир бобонинг ўткир ҳазил-мутойибага мойил шеърлари етиб боради.

Улуғ донишмандлардан бири ижодкорнинг қалбини анг-ламоқ истасанг, у туғилиб ўсган жойни кўргин, деган экан. Кўҳий таваллуд топган Варганза садаф донасидек тизилган тоғ қишлоқларининг энг йириги. Агар Китоб тумани гилам бўлса, Варганза унинг нақши. Беш-олти асрлик тарихни кўрган қишлоқнинг ўтмишини Бухородаги қадимий шаҳар — Вардонзега боғлашади. Қишлоқда асосан тожиклар яшашади. Қишлоқнинг фахри — анор. Қува, Дашнабоднинг анори билан тенглашади. Йирик, ширин анор Хоразм қовуни, Грузия чойи сингари донг таратган. Ҳар тонг қуёшга пешвоз чиқадиган қишлоқ далаларига тоғ булоқларининг зилол суви оққанданми ёки боғбонлик тажрибаси ўзгачами, хуллас бу жойда битадиган анорларнинг таъми ўзгача. Баъзан Кўҳий бобони «боғбон шоир» деб аташлари ҳам бежиз эмас.

Тоғ йўлларидан юриб, Варганзанинг маржондек сочилган уйларини оралаб, шоир бобони йўқлаб бордик. Бобо бизни хуш-хандон кутиб олди. Собиқ жангчи «не говори», «вой ҳунук» сўзларини шундай чиройли айтадики, кўнглингиз эриб кетади. Гап орасида «ҳаттоки зўрман», деб ҳам қўядилар қувлик билан. Деворига Пўлат отанинг ўрта ёшлик кезларидаги тасвирини ҳаваскор мусаввир мой бўёқ билан ишлаган, тагига «Қисмат берган салкам бир асрлик умримда шамдек ёниб шеър битдим, май ичдим» мазмуни қоришган тўрт мисра шеър битилган меҳмонхонасида ўтиримиз. Катта ўғли автомобиль фалокатидан ҳалок бўлганда қон қақшаган отанинг изтиробларига ҳам шу хона гувоҳ. Дарахтнинг бир шохи синган билан илдизи қуримайди: Пўлат ота яна уйланди. Ўғил кўрди. Унга суюб Ҳайём, деб исм қўйди. Энди эса бир ҳовли невараю-чеваранинг суюмли бобоси...

— Кўз қурғур хиралашибди. Келин, Ҳайём дастурхонга бирор нима олиб келибдими? — ҳамма нарса борлигини айтгач, гапда давом этадилар:

— Тўқсон иккига киряпман, аммо ҳануз дилкаш гурунгга ошиқман. Саксон учинчи йили Тошкентга — Абдуллажон Ориповнинг уйига бордим. Меҳ-Ражабова доя эди. Эргаш ва Хол амакиларим ойламизга қарашиб турган. Саккиз ёшимда қишлоғимиздаги Мулла Одилнинг қўлида таълим ола бошладим. Тўрт-беш йил ичида Ҳафтияк, Чор Китоб, Қуръонни ўқидим. Айниқса, Мирзо Бедилни севиб ўқирдим. Э, болаларим кўп дарёлар оқиб кетди. Эсласам бир суюнаман, бир...

— Қачон шеър ёзганимни сўраяпсизми, — дейди бобо, — Ёшликдан шеър, ғазалга ўч эдим. Нима ўқисам, хотирамга муҳрланарди. Ҳофиз, Навоийнинг кўп ғазалларини ёдлаб, ўзимча қўшиқ қилиб юрардим. Устозларим ана шу азиз шоирлар. Бошқа ҳеч кимдан ўрганган эмасман. Йигирма тўқ-қизинчи йилда биринчи шеъримни Ҳамзага бағишлаб ёзганман. Шу-шу қаламим тингани йўқ. Онам ўлган куни — қирқ иккинчи йилда урушга чақириқ қоғози келди. Уруш қурсин ўғлим. Не-не арслондай йигитлар жанггоҳларда қолиб кетди. Насибам бор экан, қирқ бешинчи йили соғ-омон қишлоғимга қайтиб келдим. Урушга бирга кетган Абдулла Умар деган шоиртабиат дўстим бўларди. Тили аччиқ, шеър айтишда топқир эди. Уч-тўртта улфатлари билан қўшилиб, ҳазил шеър ёзиб юборибди. «Урушдан ўлмай келибсан, сени ким кутяпти» дебдими-ей баччағар. Жавоб ёздим: «Қаердан дуд чиқса сен шунда тайёр, сенингдек бормикан бир фитна айёр». Кўп шеърларни Пўлат ота ёддан ўқир экан, унинг қувваи ҳофизасига тан бермай илож йўқ. Беқиёс хотира, ёд олиш қобилияти, зумда шеър тўқиб одамларга етказиш истеъдоди ҳам — бобонинг эл эъзозлаб келаётган ажойиб фазилати. Бундай бадиҳагўйлик билан тўқилган шеърлар сон-саноқсиз.

Бобо ниҳоят ушалган армони ҳақида гапирар экан, кичкина китобчани қўлимизга тутқазди. Бу — Қаршидаги «Насаф» нашриётида чоп этилган Пўлат Қурбон Кўҳийнинг «Варганза боғларида баҳор» деб номланган шеърлар тўплами. Тўқсон ёшида бобога китобини кўриш насиб этди.

Умуман, бу табаррук инсоннинг ижоди ҳақида илмий мақола ёзиш мақсадимиз йўқ. Ниятимиз — улуғликни даъво қилмаган, тоғлар сарҳадидаги булоқ сувлари катта наҳр — Қашқадарёга қўшилиб, яшил кенгликларга интилаётгандек, узоқ умри давомида булоқдек, ажиб бир жўшқин кайфият ва бемисл меҳрдан яралган шеърлари дилларга оқаётган бир халқ шоирига эҳтиром билдириш, холос...

— Мен тожикман, шу халқ-ка мансублигим билан фахрланаман, — дейди Пўлат ота. — Аммо шеъларимни ўзбек тилида ёздим. Ўзбек тили она тилим. Мен миллат айирмайман. Чунки, ўзбек-тожик қон-қардош, мисоли бир ил-диздан озиқланаётган улкан дарахт. Рафиқам, келиним ўзбек. Оиламизда ўзбек ва тожик т

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллигига

«...Тошкентнинг ҳақиқатан ҳам ажойиб ўтмиши бор. Ер юзидаги энг қадимий шаҳарлардан бири. Унинг тарихи — жаҳон тарихининг бир қисми. Бу тарих ўзбек халқининингина эмас, Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг ҳам кўп асрлик моддий ва маънавий маданияти борбисотини ўзига сингдириб олган. Буюк ипак йўли Тошкент орқали ўтган. Ўшанда, қадим замонларда ҳам шаҳар йирик ҳунармандчилик, савдо ва маданият маркази бўлган, Шарқ билан Ғарбни боғлайдиган бамисоли бир кўприк бўлган».

Ислом КАРИМОВ.

ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ

Туғилган элингнинг, ерингнинг асл қадри, гўзаллигини билмоқ учун гоҳида сафар қилиш фойдали бўлади. Хориж нақадар мафтункор, сирли бўлмасин, ҳафта ўтмай туннинг ярми безовта, юрт соғинчи, талпинган руҳингиз, интиқ манзаралар, сиймолар... Тошкентга кундуз учиб келсангиз, самолёт иллюминаторидан феруза жаннат, давлат тожи, миллат фахри бўлган улуғворликни ҳис этасиз. Кечаси эса мислсиз нурлар денгизига қўнасиз гўё...

Тангри-таоло ўзбек халқига, Ватанимизда яшовчи барча халқларга асрлар бўйи чеккан дарду аламлари учун бугунги тинчлик, барқарорликни, доно юртбошини ва ниҳоят, бағри кенг, салобатли, азим, тинчлик шаҳри, нон шаҳри, дийдор шаҳри — Тошкент руҳини дунёга ҳадя этган ушбу шаҳарни муяссар этган.

Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги арафасида шаҳримиз алоҳида тароват касб этмоқда, тобора кўркамлашиб, чиройига чирой қўшилмоқда. Ҳурлик, қутлуғ шодиёна, Тангрининг бебаҳо неъмати юртимиз тақдирида. Бугун ҳаётбахш жонланишни кўринг: деҳқон даласи ҳар қачонгидан тўлиб-тошмоқда, корхоналар ташқаридан қарагандаёқ замонавий салобатини кўз-кўз этади. Илм даргоҳларида оламшумул ихтироларга йўл очилиб, деярли ҳар куни янги қуриб битказилган мактаблар, турар-жойлар, завод-фабрикалар, шоҳкўчалар ҳақида хушхабарлар... Дўстлик шаҳридаги Мерседес автомобиль заводи, Мингбулоқ нефть кони ва Қорабулоқ нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши, олтин ишлаб чиқарадиган энг йирик Учқудуқдаги 3-гидро-металлургия корхонаси, Ангрен олтин ажратиш фабрикаси, «Зарафшон-Нюмонт» қўшма корхонаси каби ўнлаб янги завод-фабрикаларнинг маҳсулотлари... Уларни ўқир ёки эшитар экансиз, қалбингизни бир олам ғурур қамраб олади. Она юрт Ўзбекистонимизнинг келажаги ҳар биримизнинг қалбимиз, ғуруримизда эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ўзбекистоннинг бош кенти, гўзал пойтахти Тошкент мустақиллик куни арафасида ўзгача латофат билан товланади. Мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларини кўринг. Худди кинодагидек, кун сайин эмас, лаҳза сайин янги ўзгариш. Гўёки ҳар бир инсон, ҳар бир хонадон, кексаю ёш умрининг бу ажойиб, бебаҳо айёмини ўзгача бир руҳ, кайфият билан кутиб олаётгандай. Корхоналардами, хизмат муассасаларидами; илм-маърифат ўчоқларидами — ҳамма-ҳамма жойда буюк янгиланиш, асрлар қаърида йўқотилган имконларни ҳам қайтаришга арзигулик ғайрат, салобат, куч.

Шаҳар кўчаларини кезамиз. Эски шаҳар. Ҳастимом масчити, Ислом университети, Чорсу бозори, Сағбон, Қорасарой кўчалари... Кўҳна обидалар атрофидаги пастқам кўчалар, уй-жойларни ҳеч бўлмаса озгина янгилаш, таъмирлаш ота-боболарнинг орзуси эди. Бу ердаги хонадонларни муттасил тоза ичимлик суви, табиий газ, тозалаш иншоотлари билан таъминлаш кўпдан буён режалаштирилиб келинарди. Лекин ҳеч ким юрак бетлаб бу савоб ишга киришмаганди.

Назаримда, мозий билан келажак уйғунлашиб кетган бу даҳаларда. Эсимда, уруш йиллари, ундан кейинги оғир қийинчилик йиллари эди. Биз, ўсмирлар Эски Жўвадаги биринчи босмахона цехларига кириб, ишчиларга қарашиб юрардик. Янги аср бўсағасида қурилган бу корхонанинг мўъжаз цехлари кўзимга ғоят улкан кўринар, маҳсулотлари фикримга дунёни олиб кирарди. Бу, ҳозирги ўлчовларда анча мўъжаз кўринган корхона, ўша пайтларда Эски шаҳардаги илк йирик саноат корхонаси чиқарадиган маҳсулотлари эса халқимизнинг қалбини ёритувчи маърифат машъали бўлганини биз ўсмирлар тўла англаб етмаган эканмиз ўшанда. Эски шаҳарни қайта таъмирлаш Бош лойиҳаси бўйича ана шу маърифат маскани ҳам бузилиши лозим эди. Аммо бу матбаа корхонасининг халқимиз, миллатимиз равнақи, тараққиёти учун қўшган ва қўшадиган ҳиссасини яхши англаган штаб бошлиғининг ва шаҳримиз ҳокими Козимбек Тўлагановнинг ақл-заковатига таҳсинлар бўлсинки, у киши Бош лойиҳага беш маротаба ўзгартиш киритиб, биринчи босмахонани Эски шаҳар руҳига уйғун ҳолда олиб қолишга муваффақ бўлди. Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган бир суҳбатда ҳокимимиз: «Рустам ака, биринчи босмахонани бузмай, кўчани нарироқдан ўтказадиган бўлдик», деганида севинганимдан юрагим бир қалқиб тушди. Ана шу қувонч қўлимга қалам олишга ундади. Илк матбаа корхонасининг умри боқий бўлсин...

Мустақиллик шарофати, Президентимизнинг сайъи-ҳаракатлари туфайли Эски шаҳар қиёфаси бугун бутунлай ўзгариб кетди. «Эски» деган сўзнинг ўзи эскирди. Йил бошидан буён бу ерда олиб борилаётган ишлар кўламини кўриб, аҳолининг ўзи бу бунёдкорлик ҳаракатига қўшилиб, асрлар бўйи қилган орзу-умидларини рўёбга чиқараётган мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга тасаннолар айтмоқда. Ушбу улкан ишлар бош штабида кунтун ҳаёт қайнайди, қатъият, интизом сифат соат миллари каби аниқ. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигидаги штабнинг ҳар бир йиғилишида игнанинг учидек муаммо ҳам эсдан чиқмайди. Масъулият кучли бўлган жойда бош назоратчи — Виждондир.

Ҳадемай Эски шаҳарнинг Қорасарой ва Сағбон кўчалари батамом янгича чирой-яхлит, узвий гўзаллик, касб этиб шоҳкўчалар бунёд этилади. Миллий услубда қурилган бир-биридан фарқ этувчи кўркам уй-жойлар кўзларни қувонтиради. Хонадонларда шарқираган тиниқ сув, табиий газ ҳарорати, уй саранжом, бекалар... Долзарб муаммо — тозалаш иншоотлари канализация озодалик ҳамшираси бўлади...

Бу кўҳна кўчаларда истиқомат қилган, эндиликда уйлари яроқсиз ҳолга келган юзлаб хонадонлар янги турар жойларга кўчмоқдалар. Бундай улкан эътибор, ғамхўрлик учун одамлар республикамиз раҳбариятидан ўзларининг чексиз миннатдор эканликларини баралла изҳор этмоқдалар.

Бу ҳам ўзбекона адаб, ўзбекона «бардошнинг таги олтин» қабилида иш тутмоқнинг яққол кўриниши. Аслида, боқий Тошкентнинг чин мезони шу Эски шаҳар дегим келади. Аждодимнинг чуқур илдизи шу даҳаларда барқ урганлиги учун томитомига уланган тор кўчалар танти ва саҳий, мард ва бағри кенг неча-неча авлодларни етказиб берганини биламан. Аслида, Буюк ипак йўли шу ердан ўтгани учунми ёки ўзбекнинг қалби ҳамиша дунёга очиқ бўлгани-ю дилига жаҳонни сиғдиришга ҳозирлиги учунми айнан шу ерларда кўз турли либосдан қамашиб, қулоққа турли лаҳжалар чалиниб, буюк ҳаёт қўшиғидек эшитилади. Савдо-ю, тадбиркорликнинг, жаҳонгашталикнинг айни шу ерда — аҳолиси зич, аммо бағри кенг жойда софдил, саҳоватли қалб эгаси бўлиб ўсиб улғайганлар орасида авж олаётгани бежиз эмас.

Алишер Навоий номидаги хиёбон сари борамиз. Бу ерда атрофи кўм-кўк гиёҳлар билан ястанган зилол сувли улкан ойна кўл барпо этилаётир. Унинг соясалқин қирғоқлари пойтахт аҳли ва меҳмонлар учун баҳаво, сокин, файзиёб масканга айланмоқда.

Пойтахтнинг Фарғона дарвозаси бўлган Куйбишев шоссеси Қўйлиқ бозоригача бўлган масофасида ҳамиша автомашиналар тирбанд бўларди. Тор йўлдан илдам хавф-хатарсиз юриш амри-маҳол эди. Бугун бу ноқулай йўл кенгайиб, қудратли магистралга айланди ва ҳозирги кунда битиш арафасида.

«Биз Тошкентнинг аввалги улуғворлигини шунчаки қайта тиклаб қолмай, уни янада оширишимиз керак, — деган эди Ислом Каримов шаҳар фаоллари билан учрашувларининг бирида. **Бу — бизнинг энг зарур иқтисодий, ижтимоий вазифаларимизгина эмас, шу билан бирга умуммиллий вазифамиз, ўзбек халқи олдидаги унинг яхши ўтмиши ва аминманки, жонли келажаги олдидаги, ватанпарварлик бурчимиздир»**. Бундан беш йил муқаддам айтилган бу сўзларнинг амалда рўёбга чиқаётганлигига имон келтирасиз ва Президентимизнинг нақадар одил, узоқни кўзловчи раҳбар, донишманд инсон эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳақиқатан ҳам, Тошкент тарихий, залворли, қутлуғ воқеаларга бой шаҳар. У ўтмишда ва бугун не-не ижодкорларга илҳом, завқ-шавқ берган, маърифат ва зиё ўчоғи бўлиб, ўзбек миллати ва давлатчилигининг шаклланишига қудрат ва руҳ қўшган маскандир. Эндиликда Тошкент дунёнинг энг йирик шаҳарлари билан рақобатлаша оладиган саноат марказларидан бири. Бу ерда қудратли самолётлар, самарадор, замонавий пахта териш машиналари, тракторлар, экскаваторлар, тўқув дастгоҳлари, компрессорлар, юк ортиш ва тушириш машиналари, электрон-ҳисоблаш машиналари, телевизор, видеомагнитафон ва радиолар ишлаб чиқарадиган юзлаб корхоналар мавжуд. Дунёга машҳур кабель ва электр асбоблари заводи, юксак сифатли биллур идишлар, пластмасса ва заргарлик буюмлари, термослар, чиннилар, сопол идишлар, сўзаналар, турли хил кийим-кечаклар чиқарувчи завод, фабрикалар шу ерда. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган барча корхоналарни санаб ўтиш жуда қийин. Уларнинг сафи кун сайин хорижий қўшма саноат муассасалари билан янада тўлишиб бормоқда.

Эндиликда юртимизнинг гўзал пойтахти бўлмиш Тошкентда Америка Қўшма Штатлари, Россия, Англия, Франция, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Корея, Малайзия, Индонезия, Покистон, Туркия, Миср сингари ўнлаб хорижий мамлакатларнинг элчихоналари ва бош консулхоналари мавжуд. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли йирик халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари кенг фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент кўҳна обидаларга бой, тарихий шаҳар. Унинг ёши икки минг йилдан ошади. Олиб борилган археологик қазишмалар сўзимизни исботлаб турибди. Бу қадимий шаҳар V-VI асрларда Чоч, Шош, Шошкент, Бинкат номлари билан аталганлигини яхши биламиз. X асрда Беруний «Тошкент» таърифини беради. Бу қадимий шаҳар Буюк ипак йўлида жойлашганлиги учун Европа мамлакатларини Ҳиндистон ва Хитой билан боғлаб, ўзаро савдо алоқаларини йўлга қўйишда ғоят муҳим нг зарҳал ҳарфлари шуъалаланишини беқарор этадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бир йиғилишида юртбошимиз пойтахтдаги ҳамма дарвоза ва эшиклар элнинг орзу-умидларига бекаму кўст, халалсиз оқ йўл, қўш қанот беришига эришиш лозимлигини таъкидлайдилар. Ҳуқуқий демократик давлатнинг-да оламга беғараз қучоқ очаётганининг дастлабки нишонасидир бу. Деярли ҳар ойда партиялар, жамоат ташкилотлари, ҳатто фирмалар ғайратшижоат, эзгу-режалар, ниятлар билан ўз газета-журналларини нашр этиш истакларини билдириб, ҳар бирлари турли жабҳа муаммолар билан сидқидилдан шуғулланишга киришаётганлари нақадар олийжаноб ижтимоий, маънавий уйғониш, тикланиш тўлқинидир.

Тошкент жаҳоннинг катта маданият ва маърифат марказларидан биридир. Шаҳарда XVI асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган Бароқхон ва Кўкалдош мадрасалари фуқаролар саводхонлигини оширишда, тараққатишда катта аҳамият касб этган. XVIII асрга келиб Тошкентнинг катта мустаҳкам қалъаси бўлган. Унинг узунлиги 14 километрни ташкил этган. Қалъага машҳур 12 та дарвоза орқали кирилган. Шарқнинг энг улкан шаҳарларида ўн икки дарвоза бўлган. Тошкент — дунё назари тушган шаҳар. Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўқон, Қашқар, Қўймас каби дарвоза номлари ва жойлари ҳозиргача сақланиб қолган.

Ҳозирги кунда қадимий ўрнида айрим дарвозаларни тиклаш учун кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Барпо этилаётган Самарқанд дарвозаси ана шу улуғвор ишларнинг дебочасидир. Бундай ибратли тадбирлар халқимизнинг ўз миллий маънавиятини тиклашга, қадриятини шакллантиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Ўзининг ўзлигини чуқур билмаган, қадрламаган халқ ўз истиқболини таъминлай олмайди.

Тошкент бебаҳо бойлик — оқар сувларга сероб жойдир. Чирчиқ, Бўржар, Анҳор, Салар, Қорасув, Оққўрғон, Оқтепа, Қорақамиш... Бу каналлар, сойлар яқин тоғлардан нафақат салқин, тиниқ оби ҳаёт ташийди, шаҳар ҳавосини поклайди, намхуш тароват тарайди, яшил олам ҳикматига ҳикмат, файзига файз қўшади. Бу бебаҳо бойликни асрамоқ бугун умумхалқ иши бўлмоғи лозим. Кеча эшик олдидаги сувга болалар нон оқизоқ қилишарди. Донишманд кексаларимиз, зиёлиларимиз болаларни ҳам, катталарни ҳам тоза сув тарбиясига мунтазам жалб қилишлари, ҳаёт жавоҳирини пок асрашга ҳисса қўшишлари лозим. Шаҳар атрофидаги набатот ва ҳайвонот дунёси, экологик вазиятнинг доимий назоратда бўлиши шаҳар кўркагини пок ҳавога, ҳаёт томирларини тоза, жонбахш шарбатга тўлдиради.

Тошкент — ўзбек халқининг кўпгина истеъдодли, даҳо ижодкорлари, фан ва санъат намоёндалари учун она маскандир. Бу шаҳарда халқимизнинг атоқли арбоблари Акмал Икромов, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Аброр Ҳидоятов, Маннон Уйғур, Шукур Бурҳонов, Карим Зокиров, Оқилхон Шарафуддиновлар туғилиб, вояга етганлар. Уларнинг номлари эса дунёга машҳур. Эндиликда кўчалар, мактаблар, муассасалар уларнинг номлари билан аталади.

Тошкентда бугун ўнлаб нашриётлар, юзлаб газета-журналлар, таҳририятлар, ўнлаб театрлар, жаҳоновоза саройлар кенг фаолият кўрсатади.

Тошкент узоқ йиллар жуда кўп унутилмас воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Бу ерда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг анъанавий кинофестиваллари ўтказиб турилади. Ана шу қитъаларнинг таниқли адиблари ҳам бир неча бор Тошкентда учрашганлар. Бу ибратли анъана ҳозирги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Тошкентда турли йилларда кўплаб машҳур адиб ва ёзувчилар, олим ва композиторлар яшаганлар, ижод қилганлар. Анна Ахматова, Алексей Толстой, Николай Погодин, В. Державин, М. М. Ромм, М. О. Штейнберг, Якуб Колас, Сергей Есенин... Уларнинг саноғига етиш қийин. Бу адибларга шарқнинг Бош кенти янги асарларга илҳом бағишлаган, руҳлантирган. Бундан қарийб етмиш йил муқаддам инженер Б. П. Грабовский ва унинг ассистенти И. Ф. Белянскийлар дунёда биринчи бўлиб шу азим шаҳар марказида, ҳозирги Амир Темур хиёбони яқинида телевизорни ихтиро қилиб, намойиш этганлар. У оламшумул воқеа эди.

Тошкент Давлат университетида (собиқ САГУ), ЎзФА институтларида таълим олган мингминглаб қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва бошқа халқлар вакиллари бугун ўз мамлакатларининг етук мутахассислари. Улар камол топиб, ўзлари ўз мактабларини яратдилар. Улар учун Тошкент, Самарқанд борингки, Ўзбекистонимизнинг ҳар бир ғишти муқаддас, ҳар қатра суви кўзга тутиё. Биргина шу мисолданоқ, юртбошимиз «Туркистон — умумий уйимиз» деганларида Марказий Осиё халқлари учун ниҳоятда мағзи бутун, иқболбахш, кенг истиқболли ғояни юксак кўтарганларини чуқурроқ идрок этамиз, англаймиз.

Дунёнинг турли бурчакларида Тошкентнинг номини фахр билан эъзозлаб тилга оладилар. Ўзларининг кўпгина кўча ва майдонларига унинг номини беришган. Москвадаги энг гўзал кўчалардан бири Тошкент номи билан аталади. Шу кўчада жойлашган «Тошкент» кинотеатри ҳамиша санъаткорлар, томошабинлар билан гавжум.

Бундан эллик тўрт йил муқаддам немис-фашистларга қарши курашда «Тошкент» крейсери мислсиз жасорат кўрсатди. Унинг матрослари Қора денгизда Севастополь ва Одесса шаҳарларини мудофаа қилишда қатнашиб, душманга қарши қаҳрамонона жанг қилдилар... Эндиликда Севастополь шаҳрининг марказида адмирал П. С. Нахимов номидаги майдонда қаҳрамон «Тошкент» крейсери жангчиларига ўрнатилган ёдгорлик лавҳа бор.

Бу шаҳарнинг ўзи ҳам, номи ҳам муқаддас...

Ҳар гал Тошкент аэропортида олий даражали меҳмон келганида бизнинг давлат мадҳиямиз баралла янграйди, БМТ биноси олдида турган байроғимиз шаҳримиздаги бир неча ўнлаб элчихоналар пештоқидаги байроқлар билан бир эпкинда, мағрур ҳилпирайди.

Ҳа, она Тошкент қайта ёшармоқда. Мустақиллик туфайли пойтахт чиройига янада чирой қўшилди. Бундан икки йил муқаддам ишга туширилган салобатли «Туркистон» саройи унитилмас тарихий учрашувлар, дунёвий анжуманлар, дилрабо куй-қўшиқлар, кўргазмалар манзилгоҳига айланди. Келажагимиз бўлган болаларнинг энг унутилмас ва кўркам маскани, замонавий ўйингоҳи — «Диснейленд» дам олиш боғи шаҳар аҳли учун энг катта совғалардан бири бўлди.

Тошкент — ёшлик, гўзаллик пойтахтидир. Метро қасрларида, трамвайларда, боғлар ва хиёбонларда умид, орзу қучоғида китоб варақлаётган, юраклари ловуллаб изҳори дил қилаётган ёшларни кўриб, эртамиз ниҳоятда умидбахш, қадамларимиз собит, давлатимиз асоси ишончли қўлларда бўлишидан чексиз ғурурга тўламиз.

Шаҳар қудратли телерадио коммуникациялари, темир йўл автотармоқлари билан республикамизга бамисли юрак каби ҳаёт томирлари ила чамбарчас боғланган. Шаҳарни ўраган халқа йўлидан айланиш учун деярли ярим кун вақт керак, янги-янги мавзелар, даҳалар, шаҳар ичра шаҳарлар... Шу ўринда кўп йиллардан бери кўтарилиб келаётган масала — шаҳар ташқарисида янги аэропорт қурилиши муаммоси долзарб бўлиб қолганлиги ўз-ўзидан кўринади. Бу шаҳарнинг ўз ижтимоий-иқтисодий, нуфуз тараққиёти тақозосидир. Чунки Тошкентимиз эндиликда Шарқу Ғарб, Шимолу Жанубни боғлайдиган улкан ҳаво дарвозаси ҳамдир.

Машҳур Шарқ бозорлари. Тўкинчилик дарёси. Тошкент бозорлари — бугун тубдан ўзгармоқда, ривожланмоқда, кўркамлашмоқда. Улар ҳам замонавий, ҳам миллий услубда қайтадан қурилиб, ўзини бутун дунёга кўз-кўз қилмоқда. Жуда қисқа муддатларда Олой бозорининг шакли —шамойили бутунлай ўзгарди. Бир-биридан чиройли ва қулай, саранжом-сариштa расталар, кўркам тижорат дўконлари, осмонўпар ҳавозалар бозорга ўзига хослик бағишлайди. Бозорларимизни энди республикамиз меҳмонлари ҳавас ва завқ-шавқ билан томоша қилмоқдалар. Тез фурсатларда қайта бунёд этилган Эски Жўва, Аҳмад Дониш, Қўйлиқ, Янгиобод, Фарҳод сингари ўнлаб бозорлар ҳам ўзига хослиги билан Олой бозоридан қолишмайди. Яқинда Бешёғочдаги Бўржар канали устига қурилган улкан кўприк яна бир катта совға бўлди.

Пойтахт кўчалари айниқса кейинги пайтларда янада кўркам, қулай ва озода бўлиб бормоқда. Ҳар бир бекат ўзига хос услубда қурилган ва уларда йўловчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Уларнинг соҳиблари бор ва ана шу бекатлар ўз эгалари ҳисобига бунёд этилган. Бу ибратли тадбир кенг миқёсда давом эттирилмоқда. Шунингдек, шаҳарда ўнлаб янги гўзарлар барпо қилинди.

Ҳа, барча ҳикмат юртдошларимизда, ижодкор, бунёдкор, тиниб-тинчимас, саҳоватпеша кишиларимиздадир. Бойлигимиз — улкан, аҳил, нурафшон хонадонимиз. Янги қадамларимизни бир-икки йил бурун аламзадалик билан камситишга уринган кимсалар энди Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли моҳиятини бироз илғаган кўринадилар. Энди бот-бот миллатимиз, давлатимиз ҳақида дунё ахборот воситаларида «... Ҳозирги пайтда ҳақиқий раҳбар тўғрисидаги тасаввурларингизга мос келадиган одам борми. Бор. У Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов. Каримов бирорта хатога ҳам йўл қўймади. Истиқболни кўзлаб қилинаётган ишлар XXI аср Ўзбекистон гуллаб яшнайдиган аср бўлади дейишга ҳуқуқ беради... Ўзбеклар — руҳият жиҳатидан бутунлай бошқача одамлар...» дея эътироф этмоқдалар.

Қутлуғ айём — Мустақиллик куни арафасида Ўзбекнинг фахри, Шарқ жавоҳирларидан бири, Самарқанд, Бухоро, Хива анъаналарини янада юксалтираётган гўзал ва латофатли, ҳаммамизнинг шаҳримиз Тошкентни тилга олдик. У кун сайин янада ёшариб, гўзаллашиб бормоқда. Шарқнинг олтин дарвозасига, ҳақиқий ёрқин маёгига айланмоқда. Шундай фусункор, ёқимли ва салобатли пойтахт шаҳримиз билан чин юрақдан фахрланамиз. У она сайёрамизда ўзига хос, исми жисмига монанд қадимий ва абадий шаҳар — гўзал Тошкент...

Рустам ШОҒУЛОМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Хабарингиз борми?

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА

ЁКИ ЭНГ КЕНЖА ИНСТИТУТ

Маълумки, навқирон Навоий вилояти ҳудудий жиҳатдан Голландия, Италия каби давлатлардан ҳам катта. Мустақил республикамиз вилоятларининг бирортаси ҳам кенглиги жиҳатидан Навоийга тенглашолмайди. Чунки мазкур вилоят умумий майдонининг 3,2 қисмини асрий Қизилқум сарҳадлари яйловлари ташкил этади. Бу ерларда нафақат чорвачилик, балки металлургия, кончилик саноати ҳам кенг ривожланган. Айниқса, ер ости ва устки қазилма бойликлари, жумладан олтин, кумуш, мармар, уран конлари жиҳатидан Қизилқум биргина Навоийни эмас, балки Ўзбекистонни жаҳонга кўз-кўз қилмоқда. Шу боис Қизилқум кенгликларида унинг афсонавий шаҳарлари-Зарафшон ва Учқудуқда ўнлаб қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. «Ньюмонт», «Зарифпарк», «Агама», «Каркарал» қўшма корхоналари фикримизнинг далили.

Булар хамир учидан патир, холос. Менделеев жадвалидаги барча ноёб элементларни ўз сийнасида яширган Қизилқум ҳали тўла ўрганилмаган. Унинг Сентоп, Фармиш, Берансой, Жислом, Томдибулоқ каби ўнлаб чўл, ярим чўллари, тоғолди даштлари борки уларда қанчадан-қанча хазиналар, жавоҳирлар яширинган. Бу тилсимот конларни топиш, уларни истиқлол йўлига хизмат қилдириш фақат кончиларга, кон изловчиларга боғлиқ. Хўш, шундай экан малакали мутахассисликка эга бўлган кончилар бизда мавжудми? Улар бугунги талаб ва замонавий технологияга мосми? Афсуски, йўқ.

Шунга ўхшаш ечимталаб муаммолар боис мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов ташаббуси ва Фармони билан Навоий вилоятида илк бор давлат кончилик институти ташкил этилди. Ўзбекистонда ягона бўлган мазкур институтнинг асосий вазифаси кон излаш, кон қазиш, кон бойликларини қайта ишлаш, муҳандис ва механикларни тайёрлаб беришдан иборат. Шунинг учун ҳам институт жамоаси ташкилий-таркибий давларданоқ металлургия, гидрометаллургия кимётехнология, энергомеханика, умумтехника факультетлари ва кафедралари устида иш олиб боришяпти.

— Бу янги институтнинг бошқа институтлардан фарқи шуки у ривожланган хорижий мамлакатлар кончилик олийгоҳлари ва дорилфунунлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади,— дейди ташкилий ишлар раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Б. Ражабов.— Жуда қисқа вақт ичида етук билимга эга бўлган кончилик касбига иштиёқманд юзлаб абитуриентларни тест синовлари асосида институтга қабул қилдик. Келгуси йилдан бошлаб талабалар сони босқичма-босқич ошаверади.

Дарҳақиқат, кончилар институтининг келажаги порлоқ. Чунки бу қалдирғоч билим масканига асосий ҳомийликни Навоий конметаллургия комбинати ва Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз зиммасига олган. Талабаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг пухта билим олишларини таъминлаш ва институт иқтисодиётини шакллантириш худди шу ҳомийлар зиммасида. Ана шундан бўлса керак институт замонавий компьютерлар, хорижда ишлаб чиқарилган ўқув қуроллари билан жиҳозлантирилмоқда.

Ҳа, янги институтнинг жаҳон миқёсида кенг танилиши, унда замон талабларига мос малакали кончи кадрлар етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Усмон ҚЎЧҚОР

ҲЎРЛИК ВА ҲУРЛИК

(ТУРКУМ)

I
УЙҒОНИШ

Тангритоғ томондан чиқмоқда қуёш,
Қадим Шарқ нурларга чулғониб келур.
Қани, қўлингни бер, эй туркий қардош,
Минг йиллик қон танда тўлғониб келур.

Қорлуқдир, чигилдир, ўғуз, чиғатой,
Кулфатлардан омон чиқди, ҳойнаҳой,
Бошинга ҳар кеча шўъла сочар Ой,
Қошинга ҳар куни Кун ёниб келур.

Ўз эркига ўзи бўлганда эга,
Киноялар нечун, жирттаклар нега!?
Яссавий юртинга Темур юртига
Саломлар айлабон тўрт жониб келур.

Менга боқмай қўйган очунмиди ё —
Ғафлатда ётганим, о, чинмиди ё?..
Кўзларинг қаттароқ оч энди, дунё,
Туркистон уйқудан уйғониб келур.

II
ДИЙДОР

Туркий қавмларнинг бир бўлса боши,
Лабдаги кулгуси, кўздаги ёши,
Корсонда бешбармоқ, лаганда оши,
Боврим, мендан зўри бўлмас дунёда.

Бошдаги дўппиман, бошдаги бўркман,
Башар тарихинда турк деган кўркман,
Ундан қирғиз келса, бу ёндан туркман,
Боврим, мендан зўри бўлмас дунёда.

Ёқутда ёқутни қазар манимдир,
Кўкўғуз манимдир, озар манимдир,
Бойқўлдан то баҳри Хазар манимдир,
Боврим, мендан зўри бўлмас дунёда.

Чиндан то Олмон — бу Ипак йўлидир,
Ушбу йўл турклларнинг ўнгу сўлидир,
Бошқирдлдир, тотордир, онадўлидир,
Боврим, мендан зўри бўлмас дунёда.

Узилди ниҳоят тузоғим маним,
Қошдек яқин бўлди узоғим маним,
Жонимга жон эрур қозоғим маним,
Боврим, мендан зўри бўлмас дунёда.

Бу чексиз чўлимдир, бу юксак тоғим,
Ҳимолай узра мен чақирган чоғим,
Оролдан ҳай-ҳайлар қорақалпоғим,
Боврим, мендан зўри бўлмас дунёда.

Илдизин таниган эл бўлур бахтли,
Бир эдик, қолурмиз мангу шу тахлит.
Беш бармоқ букилса мушт бўлур яхлит,
Боврим, мендан зўри бўлмас дунёда.

III
ҲИДОЯТ

Буюк юртдир азал-охир то Туркистон,
Кўзимга сургали сурмасо Туркистон.

Неча эллар, неча юртларни сайр этдим,
Ки йўқ оламда жаннатдек жо Туркистон.

Бу юртнинг бошига ёғдирди тош афлок,
Ки торож ўлди, ўлди яғмо Туркистон.

Неча ҳарбу неча зарбдан омон чиқдинг,
Сенга олқиш, сенга салламно, Туркистон.

Ҳар икки дунёда жаннат отин сўрсанг,
Дегай Усмон: ё Туркистон, ё Туркистон!

ОСИЁ-ВЕСТ
OSIYO
WEST

"Осиё - Вест"
Ўзбекистон - Германия
қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб **Ислом Каримовни** ва **бутун ўзбек халқини** улуғ айём Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами муносабати билан самимий муборакбод этади.

Юртимизда тинчлик доимо барқарор бўлсин!

"Осиё - Вест" қўшма корхонаси.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН-БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

сўмда пул ўтказиш йўли билан Тошкентдаги омборхонадан

МАЗ туркумидаги автомобилларни, МТЗ экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги: Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М двигателларини

сотади.

Нархлари заводникидан арзон.

Манзил: Тошкент, Ш.Руставели кўчаси, 140-уй.

Алоқа учун телефонлар: /3712/ 50-06-13, 50-94-77, 50-95-07.

"Ўзбекмашсервис" — ҳамкорликка чорлайди!

"МУСТАҚИЛЛИК"
ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

"JUR BEK"

"ЖЎРАБЕК" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Бугунги кунда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида *"Жўрабек"* хусусий дорихонаси жаҳондаги кўплаб фармацевтика саноати корхоналари, фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Англиянинг *"Стерлинг Хелс"* фирмасидан харид қилинган оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи *"Панадол"* дорисининг саккиздан ортиқ тури чақалоқдан тортиб то кекса беморларгача даволашда бебаҳо малҳам бўлмоқда.

Panadol Tablets

ХУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Дори-дармонлар танқис бўлиб турган бугунги кунда Сиз учун фақат "Жўрабек" хусусий дорихонасигина дунёнинг исталган бурчагидан дардингизга малҳам бўладиган зарур дори-дармонларни топиб, етказиб бера олади!

ДОРИХОНАМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Бешёғоч" майдони, Олмазор кўчаси, 165-уй. Телефон: 45-60-40, факс: 45-41-46.

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни буюртма бўйича *тайёрлаб беради ва сотади:*

— шлакблоклар;
— цоколблоклари.

Шунингдек савдода:

— ПЭВ-2 эмаль симлари;
— эркакларнинг кузги туфлилари мавжуд.

Нархлари — нисбатан арзон, сифати — аъло.

Маълумот учун телефонлар: 55-36-78, 55-44-18.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ «ШУУР» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА

«ИСТИҚЛОЛ НАВОЛАРИ»

ШЕЪР ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Кечада таниқли шоирлар:

Эркин ВОҲИДОВ, Ойдин ҲОЖИЕВА, Шавкат РАҲМОН, Хуршид ДАВРОН, Сирожиддин САЙИД, Абдулла ОРИПОВ, Азим СУЮН, Рауф ПАРФИ, Муҳаммад ЮСУФ, ИҚБОЛ

Хушовоз хонандалар: Фиёс БОЙТОЕВ, Юлдуз АБДУЛЛАЕВА, Замира СУЮНОВА, Муроджон ИБРОҲИМОВ, Абдулла ҚУРБОНОВ ва «Абдулла» гуруҳи иштирокида

КАТТА КОНЦЕРТ

Барча шеър ва қўшиқ мухлисларини «МАЪНАВИЯТ» маркази кутади.

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ!

Кеча 24 август соат 18. 00 да бошланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Отатурк кўчаси, 24-уй. (Аввалги Билимлар уйи).

ТАШКИЛОТ

- Ўз ёғига пиширилган мол гўшти (2 турдаги консерва, Австрияда ишлаб чиқарилган),
- "МИКАДО" кўк нўхати (Бельгия),
- консерваланган тилимли ананас (Таиланд),
- 1л. ҳажмли тетрапакетдаги ананас,
- апельсинлар (Испания) САВДОСИНИ БОШЛАДИ.

- 0,33л.ҳажмдаги "STRONG", "ROVAL" пивоси (Дания),
- 0,33л.ҳажмли 3 турдаги "REDSTAP" лимонадлари (Германия), Италия, Греция, Бельгия ва Германияда ишлаб чиқарилган кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, қандолат, шампань виноси, арақ, ликёр, вино, коньяклар САВДОСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Омборхонада нархи туширилган ксерокс, факс, компьютер ҳамда калькуляторлар мавжуд.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, фурқат кўчаси, 1. Алоқа учун телефонлар: 45-55-65, 45-70-65.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 250-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда ВАЛИЕВА Равшания Нурмахаматовна номига берилган № 430125 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоҳосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0334.

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21. 20.

123456.